



Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади: У қарздорини излаб борганди, у ундан яшириниб олди. Кейин уни топиб олганида у: «Мен ночор ҳолатдаман», деди. «Аллоҳ номи билан қасам ичасанми?», деган эди, «Аллоҳга қасам», деди. Шунда Абу Қатода деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни эшитганманки: «Ким-да ким Аллоҳ унга қиёмат кундаги ғамларидан нажот беришини истаса, ночор одамдан (қарзини) енгиллатсин ёки кечиб юборсин», деганлар» (Имом Муслим ривояти).

Абу Қатода розияллоху анхудан ривоят қилинади: У қарздорини излаб борганди, у ундан яшириниб олди. Кейин уни топиб олганида у: «Мен ночор ҳолатдаман», деди. «Аллоҳ номи билан қасам ичасанми?», деган эди, «Аллоҳга қасам», деди. Шунда Абу Қатода деди: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни эшитганманки: «Ким-да ким Аллоҳ унга қиёмат кундаги ғамларидан нажот беришини истаса, ночор одамдан (қарзини) енгиллатсин ёки кечиб юборсин», деганлар» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Қийналган ҳолатдаги қарздорга қўшимча муҳлат бериш ёки ундан қарзни кечиб юбориш Аллоҳ таоло яхши кўрган ишлардан саналади. Чунки бунда одамларга енгиллик яратиб бериш ва уларнинг ғам-ташвишларини аритиш бор. Шунинг учун бундай қиладиган кишининг мукофоти Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечириши ва қиёмат кундаги ғамларидан қутқариши бўлади. Бу барча тузумларга ёт бўлган, Ислом эса унга тарғиб қилган инсонпарварлик намуналаридан бири.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Қийналган кишига қўшимча фурсат бериш ёки қарзини кечиб



- юбориш мустаҳаб;
2. Бундай қилиш қиёмат кунидаги ғамлардан нажот топишга сабаб бўлади;
 3. Бу Аллоҳ таоло ўша банданинг гуноҳини кечишига сабаб бўлади.